

БОЛАКАЙЛАРГА СОВГА

ТОШКЕНТ — улкан қурилишлар шаҳри. Пойтахтимизда ҳар йили минг-минглар турар жой бинолари, машина-хизмат ишполатлари, мактаб, боғча ва бошқалар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Қурилиш материалларининг нархи осмонга чиқиб, ўз навбатида қурилиш ҳажмларини қисқаришига олиб келди. Боз устига таъминотчи-истеъмолчи тизимдаги беқарорликлар салбий таъсир этди. Лекин, шунга қарамай азамат қурув-

чиларимиз мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда шаҳримиз кўрнига кўрк қўшмоқда. 159-қурилиш трестининг бунёдкорлари Чизель мавзосида 1570 ўрилли замонавий мактаб биносини қуришмоқда. Ҳозир қурилишда сувоқ-бўёқ ишлари охирига етказилмоқда. Қурувчилар янги ўқув йилигача мактаб биносини фойдаланишга топширишга аҳд қилишган. Агар улар ваъдага вафо қилишса, болакайлarga ажойиб совга қилган бўлардилар.



СУРАТЛАРДА: осмонда 4000 метр саҳтга оро фалакка буй чўзаётган иморатлар; И. Солнев 22 йилдан бери дурадгор бўлиб ишлайди; А. Сайдуллаев мармарчилар бригадасининг сарқори. Унинг бригадаси мактаб-

* Шаҳар транспорти муаммолари

АҲОЛИ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛАДИ

ШАҲРИМИЗНИ электр транспорти хизматисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бекатда бемавруд тўхтаб қолган бирорта трамвай ёки троллейбусни кўз олдинига келтириш. Юзлаб йўловчилар ишга ёки ўқишга етиб бормай сарсон ва саргардон бўлишади. Шу кунги унумдорлик ёки илм олиш савиясига ҳам путур етади. Шундай экан бу жиддий кичикликларга нуқта қўйиш учун биринчи навбатда электр транспорти тармоқларида қурилиш ишларини жонлантириш юбориш лозим.

Умуман айтганда, электр транспортига бўлган талаб ва эҳтиёж доллар муаммога айланб бормоқда. Шу жihatдан қараганда 1991—1995 йиллар трамвай ва троллейбусларнинг моддий техника таъминоти энг ривожланган давр десак муболага бўлмайди. Афсуски, қурилиш материаллари, сим тармоқларининг ноқиллиги ва етишмаслиги сабабли бунёдкорлик ишлари — режалари бажарилмапти. Электр транспорти корхоналарининг трамвай, троллейбус ва эҳтиёт қисмлар билан етарли таъминланмаслиги эса ҳарқат составларининг аниқ маромда ишлашига ўз таъсир кучини ўтказаяпти.

Аҳолига хизмат кўрсатиш самардорлигини оширишда бошқармага қарашли вагон таъмирлаш заводи муҳим аҳамият касб этади. Трамвай ва троллейбус корхонасини янги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш кечиктириб бўлмайдиган иш. Шунинг ҳисобига олиб бу ерда ўтган йили қайта таъмирлашга 21 миллион сўм ажратилган эди. Шунинг таъкидлаш кераки, таъмирлаш ва соғлаш корхонасининг янги устаконаси ишга туша, яъни б-флюорид четдан келтирилмаган эҳтиёт қисмларга буюртма беришга ўрни қолмайди.

Бу йил ниҳоясига етказилмаган йўл ва энергия ҳужалиги хизмати моддий базаларини бунёд этиш мақсадида 24 миллион сўмлик маблағ талаб этиларди. Афсуски бу иш учун зўрма-зўрак 4 миллион 520 минг сўм ажратилиши электр транспортчилар жамоасини ташвишлан-

тирмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш бу муаммоларни янада чуқайтириб юборди. Қурилиш материалларига қўйилган чеклиб оладиган нарх-наволар таъсирини миллионлар ажратилишини талаб этмоқда.

Шаҳар электр транспорти муассасаларини бунёд этиш ва ривожлантириш мақсадида шу йилнинг ўзига 16 миллион 458 минг сўм сарфланиши керак. Қўйинчиликлардан қўрқмаслик ва аҳолининг трамвай, троллейбус хизматига бўлган эҳтиёжини қондириш ниятида яна қўшимча 55 миллион сўм ҳарқат қилиш имконини яратиш мумкин муаммолар. Бу тадбирлар амалга оша Самарқанд Дарвоза — Оқ топа майдони — Хўжаев, Г—180 — Фарход — Сертели кўчаларида трамвай, Ф. Ҳўжаев — Қора суя мавзоси бўйлаб троллейбус ҳарқати зудлик билан йўлга қўйиларди.

Юнусовод даҳасининг кундан-кунга ҳам бўйига, ҳам энгига кенгайиб аҳолининг эҳтиёжини қондиришга бўлган талабни янада чуқайтирмоқда. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида мавзуда 150 троллейбусга мўлжалланган транспорт корхонасини тигизлик билан қуриш зарур. Бобур, Уйғур, Ойбек, Ҳадрада транспортларни электр қуввати билан таъминлайдиган катта куланишидаги ёрдамчи подстанциялар фойдаланишга топширилиши аниқ мундоқдор. Бу режалар амалга оша қайдоқлар, навбатчилар, нур-солларнинг ишлашига қулай имкониятлар яратилиб, уларнинг ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатиш самараси ортиб буюр эди.

Шу кунларда трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси қурувчиларни юборди муаммолардан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатиш самардорлигини такомиллаштириш мақсадида ҳарқат составларини янги трамвай ва троллейбус билан ўзгартириш имкониятларини назарда тутиб бунёдкорларимиз эски вагонларни қайта таъмирлаш ўларга қайта жон бағишлаш ишга ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Қобил ШОКИРОВ, бошқарма бошлигининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари.



Андрей Пиншенко сурачлари.

Биридан севинасиз, биридан ранжийсиз

Эртанги кунга ишонч

«ТОШКЕНТ трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 33-цехи асосан учта ишлаб чиқариш участкасидан ташкил топган. Бундан ташқари унинг ҳисобига эҳтиёт қисмлар участкаси ва ёғочни қайта ишловчи бўлима ҳам бор. Бугунги кунда вужудга келган муаммолар бу уччала бўлимини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бу қийинчиликлар охири-оқибатда цехнинг маромига путур етказмасдан қолмаяпти.

1-участканин бўёқчилик мажмуасида иш бир маромда, ҳеч бир узил-сизил давом этаётган экан. Гарчи эҳтиёт қисмлар ўз вақтида келтирилмай, макмуа бир марта тўхташ арафасида бўлган бўлсада, аҳвол ҳозир яхшиланди. Гиддиракларни жиҳозлаш участкасида эса аҳвол бирмунча мураккаброқ. Хом ашёнинг сифати ёмон бўлгани учун гиддиракларни жиҳозлаш вақтдан эиёқ уринишга тўғри келаяпти. Бундан ташқари ишналларнинг сифатсизлиги натижада цехнинг истеъмол жамгармаси мустақил ошиб бормоқда.

Бу ерда ҳалқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқарувчи бўлим ҳам бор. Ундаги аҳвол ўта мураккаб. Нега десангиз, бирлашма маъмуриятининг буйруғи билан яқинда «Юнга» деб аталмиш болалар спорт жиҳозлари туркумини ишлаб чиқариш тўхтатилди. Сабаби уни ишлаб чиқаришга кетган тақчил ва қимматбаҳо хом ашёни ҳисобга олиб қўйилган нарх харидорларни чўчитиб юборибди ва уни харид қилмай қўйишди. «Юнга» ишлаб чиқаришни тўхтатиш бу фақат қандайдир буюмини, маҳсулотни ишлаб чиқаришни тўхтатишига эмас, балки шу ишлаб чиқаришда машғул ишчиларнинг тақдир билан ҳам боғлиқдир. Хўш, спорт жиҳозлари туркумини ишлаб чиқаришда машғул бўлган юзори малакали, тажрибали ишчилар энди нима қилишади? Маълум бўлишича, цех маъмурияти юзюга келган тағир авлодан чиқиб йўлларини ишлаб чиқаришга банд.

Эҳтиёт қисмлар тайёрланадиган 2-участкага ўтамиз. Гарчи ундаги ишлар ҳам у қадар қувончли бўлмасида, ҳар ҳолда бир нави экан. Масалан, кўтиларни эҳтиёт қисмлар билан тўлдириб борасида барча ишлар силлиқ кетаяпти. Лекин бу соҳада ҳам ўзига яраша муаммолар бор. Яъни кўтиларга солиниши керак бўлган барча эҳтиёт қисмлари ҳам тайёр эмас.

Бундан ташқари бу ерда электр ускуналарини йиғиш билан боғлиқ ишлар ҳам бажарилади. Инженерларни сўнгги пайтларда меъриёз туркумининг етказиб берилиши қийнамоқда, уларни доимо қайта ишлаш, алмаштиришга тўғри келмоқда. Бунга эса қўшимча вақт сарфланиши керак бўлади.

3-участкада «Юнга» спорт жиҳозлари туркумини ишлаб чиқаришдан олиб ташланган, уни тайёрлаш билан банд бўлган ишчиларнинг ўзлари ташаббус кўрсатиб янги халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Ҳозирги кунда дурадгорлар мева-сабзавот соладиган кўтилар, халқлар, тахта-ўқоқ, ўриндиқларни расомақдлар. Бу маҳсулотларнинг нечоғли харидорларининг келажак кўрсатади.

Лекин бу участкада ҳам муаммолар анча. Масалан, биринчидан, участкага маҳсул идиш тайёрланадиган тахта ўринга қайта ишлашни талаб қиладиган ҳодалар келтирилади. Бу эса ортиқча иш ва вақт демандир. Бундан ташқари бу ҳодаларни қайта ишлайдиган арра анча эскириб қолган. Ҳар соатда бузилиб, ишчиларни хуноб қилаётир. Янгисини сотиб олгани маблаг бору, лекин арранинг ўзи анқонинг уруғи. Ишчилар ҳар кунин «ишчилик арра бутунлай тўхтаб қолмасин» дея унинг атрофида қуймаланишади. Уни қўлдан келганича авайлашади.

Егочни қайта ишлаш участкаси жамоасининг меҳнат шайтонлари ҳам мантағудек эмас. Биринчидан участка заводдан ташқарида жойлашгани учун ишчилар қаерга бориб оқатиланиши билинмайди. Участка худудида буфет ташкил этмоқчи бўлишди-ю, ammo уддисидан чиқриша олинмади. Бундан ташқари қийинчи хоналари тўла жиҳозланмаган. Ювинчи учун ҳам ишчилар кўчага чиқриша мажбурлар. Нега деганда, якка-ягона кран кўчада жойлашган.

Бевосита иш жойларидаги шароитлар ҳам у қадар мақтағудек эмас. Ишларни оқиқ ҳавода бажаришга тўғри келаяпти.

Хуллас 33-цехнинг бугунги аҳволи у қадар яхши эмас. Барча цехларни қийнаётган муаммолар бўлимини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Лекин қийинчиликларга қарамай ишчилар эртанги кунга ишонч билан меҳнат қилишмоқда, маҳсулот чиқаришмоқда.

Ғани ЕСЕНОВ.

ТЕЖАЛМАГАНИ— ҲАМЁНДАН ТУШИБ ҚОЛГАНИ

КОРХОНАМИЗНИ асбобсозлик тармоғисиз тасаввур қилиш мушкул. Лекин шу билан бирга таъкидлаш жоизки, унга етарли даражада аҳамият берилмайди, иккинчи даражали муносабатда бўлишга ўрганиб қолганмиз. Холбуки, бу ҳужайна ҳар қандай санат корхонасида асосий ишлаб чиқаришни белгиловчи тармоқ ҳисобланади. Бирлашмаимиздаги асбобсозлик ҳужалиги бугунги кунда ўз ичига икки ишлаб чиқариш бўлиминини, 5 миллион сўмлик маҳсулотни сақлашга мўлжалланган катта омборни муҳасамлаштирган. Заводимиз жамоасининг ўн иккидан бир қисми шу тармоқда меҳнат қилади. Демак унинг муаммолари кенг миқёсда таҳлил этилиши ва ечилиши керак.

Сир эмаски, бугунги кунда асбоб-ускунанин баҳоси осмонга сапчиб кетди. Чунки бу улар тайёрланадиган хом ашё ва материаллар ниҳоятда тақчил, бунинг устига роса қиммат. Масалан бир тонна оддий металлнинг нархи бугунги кунда 20—25 минг сўмга чиқиб кетди. Ваз устига фреза, парма, бошқа асбоблар тайёрланадиган тез кесувчи пўлатларнинг бир тоннаси 200—250 минг сўмга чиқиб кетди. Қаттиқ қоришмани вольфрам — титанли пластинкалар ҳақида гапирмасиз ҳам бўлади. Яқинда уларнинг нархи тиллога шафе бўлса, ажабмас. Тасаввур қилинг, битта пластинканин баҳоси 50 сўмдан 75 сўмга чиқиб кетганини қандай баҳолаш мумкин?!

Асбоб нархларининг ошишига биринчи навбатда умумий нарх-наво ислоҳоти сабаб бўлган бўлса, иккинчидан бу асбобнинг ясашидаги илмий-техникавий унсурларнинг қимматлашуви ҳам сабаб бўлди. Мутахассис бўлмаган одамга бундай жумлани «ҳазм» қилиш мураккаб албатта. Шунинг учун оддий тилда тушунтиришга ҳарқат қиланман. Масалан, бирор бир асбобни тайёрлашда технологияни ёки илмий тақлиф, ихтиро натижасида белгиланганидан камроқ ишчи кучи, хом ашё сарфланади. Шу маънода, агар асбобнинг нархи шу ҳисобга ошса, бу жиҳати мутахассис сифатида мени қувонтиради. Зеро, мутахассисларнинг малакаси, етуқлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотда бевосита ўз аксини топади. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, нархларни белгилашда ҳар доим бўлганидек, яна меъриёдан четга чиқиб қоллар мавжуд. Масалан битта тортиқчининг нархи 24 минг сўм. Битта тортиқчининг нархи битта тракторнинг нархи тенг келаман дейди. Битта чувалқосимон фрезанин нархи — 22 минг сўм. Бунга нима дейсиз?!

Қизиқ шундаки, асбобларнинг нархи ошишга ошдию, лекин барибир уларни кундузи чироқ ёқиб ҳам топа олмайсиз. Хўш бунинг сабаби нима? Бунга сабаб — таъминотчи корхоналарнинг яқка ҳукмронлигидир. Хоҳлашса беришади, хоҳлашмаса йўқ. Баъзилари, масалан Вильнош, Харьковдаги заводлар валютга хорижга сотишса, бошқа бировлар металл йўқлигидан умуман тўхташ арафасида. Натижада, бугунги кунда республикамизда чилангарлик, сиқилган ҳаво ёрдамида ишлайдиган пневматик асбоб-ускунага қатта эҳтиёж сезилмоқда. Шунинг ҳисобига олган ҳолда мавжуд асбоб-ускуналарни асраш, ундан оқилона тежаб-тергаб ишлатишни даврининг ўзи тақозо этмоқда. Ammo қайда қандай билмадим, бирлашмаимизда қимматбаҳо, камёб асбобларни бузиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Агар пулга қадагидан бўлса, биргина 28-цехда бузилган тортиқчи корхонага 70 минг сўмлик моддий зарар етказди.

Корхона бўлинмаларининг раҳбарлари ижарага ўтамиз, мустақил бўламан дейишади. Лекин ижарага ўтилганидан кейин барча ўз асбоб-ускуналар асраш, ундан тежамкорлик билан фойдаланиши керак. Худонинг берган кучи асбоб-ускунанинг синдириб турсалар, артага ижарага ўтилганидан кейин бундай бўлмаслигига ким нафолат беради? Хуллас, аввало асбоб-ускунага бўлган муносабатини ўзгартириш даркор. Бунинг учун ишлаб чиқариш маданиятини шакллантириш керак. Зеро, асбоб-ускунага бўлган муносабат корхонанинг асосий маҳсулотининг танларига бевосита таъсир қилади.

Владимир САЛОМОВ, Тошкент трактор заводи мутахассиси.

○ Бугунги кунда бозор иқтисодиёти муносабатларининг ўсиб келаётган ёш авлодининг ҳаётига ҳам «салмоқли» таъсир кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Чунки сўнгги пайтларда ёшлар орасида жиноятчиликнинг кескин ортиб кетиши, уларнинг энгил пул топиш йўлларига ўтиб кетаётганликларининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Тан олиш керак, айни пайтда ёшларнинг турмуш тарзига ва улар билан бевосита шуғулланаётган мутасадди ташкилот ва жамоаларнинг иш фаолиятига етарлича эътибор берилмаётгани йўқ. Биз бунга Шайхонтоҳур район Ешлар Иттифоқининг биринчи котиби Ҳайдар Бобоқонов билан мулоқотимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Дарҳақиқат ёшлар билан ишлаш, юзани қараганингизда жуда осондек туюлади. Ammo бунинг қанчалик мураккаб жараён эканини ҳар ким ҳам тушуниб етасанмас экан,— дейди Ҳайдар Бобоқонов. — Бизнинг районимиздаги мавжуд аҳолининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилади. Бугунга келиб ташкилотимизнинг 12 минг 700 та яқин аъзоси бор. Булар 85 та бошланғич ташкилотларига бирлаштирилган.

Тўғри, илгари бошланғичлар сони 180 дан ортиқ эди. Давр талаби билан уларнинг ишини ҳам қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Шу сабабли бошланғич ташкилотларини сонини кескин камайдди. Ҳозир оламизда турган муҳим вазифалардан бири, бу — янги ташкилотимизга энг муносиб, фидойи ёшларни жалб этиш.

Бизни бир нарса жуда қувонтиради. У ҳам бўлса ёшларнинг ҳали ҳам бизнинг ташкилотимизга катта ишонч билан қараётганлигидир. Чунки ҳозирги Низомида мажбуран аъзоликка қабул қилиш йўқ. Хуллас давр биздан янгила ишлашни талаб қилапти. Буни ҳар биримиз тўғри тушунишимиз керак.

— Ҳайдар ана, бугунги кунда мактаб ёшларига болалар орасида жиноятчиликнинг ажл олиб кетаётганини қандай изоҳлайсиз? Бу борада ташкилотимиз қандай ишларни амалга ошираётган?

— Ҳақиқатан ҳам сўнгги пайтларда ҳар хил қабачи ишларга қўл уриш ҳоллари мактаб ёшларига болалар орасида тез-тез кузатиляпти. Бунинг асосий сабаби жойлардаги мутасадди шахслар ва умуман фуқароларимизнинг ёшлар тарбияси билан жиддий шуғулланмаётганликларида деб биланаман. Бинобарин, минг афсуски, кўпчилик раҳбарларимиз ёшлар билан ишлашга ҳали ҳам пенжа орасидан қарамондлар. Хизмат тақозоси билан қўллар корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан учрашишга тўғри келди. Уларнинг баъзиларидан «Бун-

болаларни 2 ойга лагерга жўнатмоқчи эдик. Бунинг учун эса 132 минг сўм пул керак экан. Илгари бу пулни район халқ таълими бўлими ажратиб, Ташкилий ишларни эса биз олиб борадик. Бу йил бизни бу ишда қўллаб-қувватлайдиган ҳоимий қилмапти. Ташкилотимиз юзюрадаги савоб тадбир учун 40 минг сўм ўтказишга тайёр, ammo қолганини оғирлик қилляпти. Агарда бизни қўллайдиган бирон-бир корхона ёки ташкилот бўлганида 2 ой давомида 80 нафар боланинг шаҳар кўчаларида сангиб, амалга оширадиган кўпчилиги ҳодисалардан қутулган бўлар эдик.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Ҳозирги пайтга раёонимизда «Ўзбекистон» номи билан марказиз фаолият кўрсатаяпти. Бу марказ 262-мактаб ҳовлисида жойлашган. У ерда ҳи болаларнинг фойдали меҳнат билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шу сабабли марказ директори би-

нинг ўз манзилга эга эмаслиги кишини ўйлантиради. Ҳозирча бизга ҳокимиятнинг биносидан 3 та хона беришган. Шу ерда 8 киши тикилишиб ўтирибмиз. Кўпгина анжомларимиз, шунингдек, ҳисобчиимизни ҳам эски жойда қолдиришга мажбур бўлдик. Район кенгаши томонидан «койини боқитинлар», силларга бошқа жойга ҳам анча вақт бўлди. Аслида ЗАГС бўлимининг эски биносини беришмоқчи эдик. Ammo бу ҳам баъзи сабабларга кўра амалга оширилмади. «Илган имкон топади, деганларидек бу ишга район раҳбарлари ва бошқа мутасаддилар жиддийроқ эътибор берсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Бу биринчидан, иккинчидан, қиски вақт ичда «Ёшлар» сўбатини амалга ошириш ниятида бор эди. Бунинг учун барча дастуруларни тайёрлаб қўйганмиз. Ammo районда бу ишни амалга ошириш ҳам қийин келляпти. Масалан, районда ёшлар жамгармасини ташкил этишга ружват беришмаяпти. Ҳолбуки, бошқа районлардаги кўпгина ташкилотлар бу жамгармени аллақачон ташкил қилишган.

Бизга ҳам ўз жамгармаимизни ташкил қилишга ружват берсалар эдик, маблагини ўзимиз топардик.

— Кечирасиз бу борадаги имкониятларингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Район ёшлар биржаси мавжуд. Аввало уларни ҳужалик ҳисобига ўтказамиз. Шунингдек ҳисобимиздаги икки корхоналарнинг даромадлари ва бошқа бадаллар ҳам бевосита ушбу жамгармага келиб тушади. Хуллас маблаг тўпланишни йўли кўп. Фақатгина ишбилармонлик билан ҳарқат қилиш керак. Давр талаби ҳам худди шундай. Энди бу жамгармадан фойдаланишга келсак, уни ёшлар манфаъти йўлида турли мақсадларда ишлатиш мумкин. Буларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда тезроқ ёшлар жамгармасини тузишга ҳарқат қилаялик...

Дарҳақиқат, Шайхонтоҳур район ёшлар Иттифоқининг биринчи котиби Ҳайдар Бобоқонов билан мулоқотимиз чоғида унинг ўз ишининг ҳақиқий жонқури эканлигига амин бўлдик. Улайимизки, район раҳбарлари ҳам ёш котибини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар. Амалга оширмоқчи бўлган катта режаларга доимо кўмак бериладар.

Муҳиддин БОЗОРОВ.

* Ғафмдил ва муруватли бўлайлик

НОГИРОН ҚАЛБЛАР ЭЗИЛМАСИН

БОЗОР иқтисодиёти кимга қувонч, кимга ташвиш келтирмоқда. Тўрт мучас соғ, ақлли, удабурон одамлар ишининг кўзини билиб меҳнат қилишяпти. Жамиятимизда одамлар нечоғли яхши еб, яхши кийсалар, иш натижалари шунга яраша бўлади. Афсуски, бизнинг орамизда қўллаб ногирон одамлар борки, улар меҳнат қилиб, роҳатланиш бахтидан бенаҳабдир.

Айни навирон чоғда чарчас нималгини билмай меҳнат қилмадиган минглаб янгитлар афрон урушидан ногирон аҳволда қайтдилар. Ҳамма ерда уларнинг ҳимоси ташкил этилиб, барча имкониятлар яратилган.

Лекин ҳозирги вақтда кундалик ҳаёт учун нафақа пуллар жуда камлик қилади. Хўш, ногирон янгитларни, қолаверса, афрон урушида фарзандлари шахид кетган ота-оналарнинг аҳолидан ким ҳар бар оладди Шу мақсадада республикамизда Афғонистон фаришлари иттифоқи тузанди. Биргина бизнинг Ҳўшда районимиздан Афғонистон урушида сақинга юзга яқин Янгит хизмат қилди. Шундан 22 таси ота-она ва жигарғушларини куйдириб, навирон кетдилар. 20 дан ошиб Янгит ногирон аҳволда қайтди. Айни кунларда 720 нафар Афғонистонда хизматини ўтаган жангчилар ўз жойларида эл хизматини бажармоқда.

Агар ҳазарингиз бўлса яқиндан бери район ёшлар жамгармаси фаолият кўрсатмоқда. Ана шу жамгарма қошдаги афғончи-фаришлар иттифоқи улар тақдирини ҳимоя қилишга бел боғлади. Ammo бу ҳимоя кучи қўлга етмапти. Сабаби жамгармаимиз маблагини оз. «Мен энди нима қилай, моддий ёрдам бериш» дея кўзлари жовдираб, гўё ногиронлигидан айбдор

аҳволда қадм ранжида этган йиғитларни кўриб, юрғининг эзилди, киши.

Мен районимиздаги, қолаверса, бутун жумҳуриятимиздаги ўзига гўё, бай корхона ва ташкилот ишчи-хизматчиларини янада муруватли бўлишга қақираман. Ахир ўғли қурбон бўлган 22 онанинг фарзанди тирки бўлганда, уларнинг ўзи ишлаб ёрдам берган бўларди. Юрғинда тағират бўла туриб, ногирон аҳволга тушиб, бирор қўлга қарам бўлишдек дардининг нечоғли оғирлигини, қаммаимиз яхши ҳис этамиз.

Келинг аэзалар, шундай хайрли ишларга ёрдам қўлимизни қўзайлик. Ногиронлар қалби эзилмасин, кўзлари жовдирамасин.

Абдулла САИДОВ, Афғонистон фаришлари иттифоқи раиси.



Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси Акмал Ибромов район бўлими тарбияда ёш болалар билан ишлайдиган махсус бўлим бор. Бўлим маҳаллалар, мактаблар ва бошқа болалар муассасаларида ўсириллар билан иш олиб боради. Унда ёшлар билан ишлашни севадиган йигирма нафар ички ишлар ходими хизмат қилади. Уларга ёшлар

орасида жиноятчиликнинг камайишига катта ҳисса қўшаётган Абдуназар Шералиев етакчилик қилаётган. Ҳозирги кунда бўлим 250 нафар тарбияси оғир болалар билан шугулланимоқда. СУРАТДА: катта лейтенант Абдуназар Шералиев бир гуруҳ ўспиринлар билан суҳбатлашган пайт. Равиль Альбеков сурати.

АЙНИ пайтда барча мактабларда аввалгидек болакайларнинг шодон кулгуси-ю қаҳқаҳаси эшитилмайдиган. Илм масканларида бир-иккита ўқитувчини учратиб қолмасангиз, асосан осойишталик ҳукмрон. Бошланғич синф ўқувчиларининг аксарияти эса таътилни ўз маҳалладошлари ва синфдошлари билан бирга мазмунли ва қизиқарли ўтказиш учун мактаблар қошида ташкил этилган лагерларда ҳордиқ чиқариб, турли ҳунарларни ўрганмоқдалар, сув ҳавзаларида маза қилиб чўмилиб, болалар майдонларида ташкил этилётган турли спорт ўйинларида қатнашмоқдалар. Баъзилари, яъни гербарий ишқибозлари ва сўлим табиат қўйнида бўлиш истагини билдирганлар шаҳар чеграсида жойлашган кашшофлар лагерларида дам олмақдалар. Улар бу ерда осмонўпар тоғлар билан сирлашиб, турли шифобахш гиёҳларни термоқдалар, шифофоддек тиниқ булоқ сувдан тўйиб-тўйиб ичиб, экскурсия ва походага чиқмоқдалар. Саъбат муҳлислари эса ота-оналари билан биргаликда қадимий ва кўнра шаҳарларга йўл олдилар. У ҳолда таътил дамларида кундуз кунлари ота-оналар эътиборидан четда қолиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилган болалар қандай ишлар билан машғул бўлмоқдалар, деган саволнинг тугилиши табиийдир. Мактаблар қошида очилган лагерларда ва маҳаллаларда ўқувчиларнинг дам

олишини ташкил этишда, умуман маданий тадбирлар уюштиришда қандай чоралар кўрилди ва кўрилмади? Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамаси халқ таълими бош бошқармаси тарбиявий ишлар бўлимининг бош мутахассиси Омон Мамасолиев билан қилган суҳбатимизнинг асосий мавзуси ҳам шу ҳақда бўлди. — Аввало шунини таъкидлаб ўтиш

лар ёғоч ва ганч ўймакорлиги, нақшошлик, дурадорлик ва бошқа касбларни ўргандилар. Таътилни ўз маҳаллаларида дўстлари даврасида ўтказётган ўқувчилар ҳам эътибордан четда қолмади. Кўп қаватли уйлар ва маҳаллалар яқинидаги барча майдончалар ва сув ҳавзалари улар ихтиёрига бериб қўйилган. Бу ерда болалар ҳар хил қизиқарли ўйинларда қатнашиб,

алоқа хизмати кўрсатган, оромгоҳлари спуриб-сидирган ҳолда оилалари сармоисига ўз улушларини қўшмоқдалар. Юқори синф ўқувчиларининг кўпчилиги эса ота-оналарга моддий жиҳатдан кўмаклашиш учун саноат корхоналари, қурилишлар ва ташкилотларга ишга кириб, келгусида ўзларига асқотадиган қаб қўннимасини ҳосил қилдилар. Хуллас, ёш даврида бошланғич синфлардан тортиб юқори синф ўқувчиларигача зерикши нималигини билмайдилар. «Ширин гапнинг аччиғи ҳам бўлади», деганларидек олдимизда кўндаленг бўлиб турган муаммолар ҳусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Биринчидан, шаҳар лагерида дам олаётган ўқувчиларни экскурсияларга транспортда бепул олиб юриш масаласи ҳанузгача ҳал қилинмаган. Иккинчидан, оромгоҳларда турли атракционлар хизматидан фойдаланишда болаларга енгиллик берилса фойдадан ҳоли бўлмас эди. Чунки чипталарнинг нархи бир неча баравар ошиб кетган. Уйлаймизки, бу борада тегишли мутасаддилар ўз ерданини аямайдилар.

Исмоил ЗОИРОВ.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

* Ёзи таътил: у қандай ўтатти? ЗЕРИКИШ НИМАЛИГИНИ БИЛМАЙДИЛАР

таъбир жонки, мактаблар қошида ташкил этилган 124 та лагерда ёш даврида 10 минг нафар бола дам олади, — дейди Омон Чўлпончиқ. — Бундан ташқари, спорт-соғломлаштириш ва санаторий типидagi лагерларда ҳамда ҳар бир районда ташкил этилган болалар майдонларида 52 минг нафардан зиёд ўқувчиларнинг ҳордиқ чиқариши мўлжалланган. Шунингдек, ана шу кизгин паллада болалар ижодий марказлари ишини жонлантириш ҳам режалаштирилган. Бу ерда ўқувчи-

турли спорт мусобақаларида иштирок этишмоқдалар, зилот сувда чўмилиб, яйраб-қунамоқдалар. Улар учун маданият ва саноат арбоблари билан учрашувлар, суҳбатлар, қуноқлар ва зукколар баҳслари, викториналар ва кечалар ўтказилмоқда. Кўп қаватли уйларнинг иккинчи қаватида меҳнат ва саноат қўлини қорихонада болалар турли ўйинчоқлар ясаган, макулатура топширган,

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Сисъатшунослик ва бошқарув олий билимгоҳи қошидаги **МИЛЛИЙ БИЗНЕС ДОРИЛФУНУНИ** ва «МАДИНА» реклама-ахборот хизматлари фирмаси



САВДО ДИЗАЙНИ МАКТАБИНИНГ ИЛК БИТИРУВЧИЛАРИНИ ШАРАФЛАШ МАРОСИМИГА ЛУТФАН

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тақдимот маросими дастурида: — БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ИШЛАРИДАН НАМУНАЛАР, — ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАР, — БЎЛГҮСИ ИЖОДИЙ ВА ТИЖОРИЙ БИТИМЛАР МУҲОКАМАСИ УРИН ОЛГАН. Битирувчиларни муборакбод этиш учун ҳомийлар, дизайн мутахассислари ва хайрихоҳ кишилар таклиф этиладилар. Учрашув «Илҳом» театрининг кўرғазма залида ўтказилади. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 67-93-00, 67-06-08.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ Х. З. КАЛОНОВ НОМЛИ ОЛИЙ ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ

Янги ахборот технологиялари (ЯАТ) ва бошқаруви ҳужжатлар билан таъминлаш (БХТ) соҳаларига доир касбларни эгалламоқчи бўлган барчага педагогик технологиянинг янги шакллари, таълимнинг янги шакллари, таълимнинг янги тизими (интеграл ва кўп босқичли ўқув режалари, яқка тартибдаги ўқув режаси таркибига кирувчи фанларни танлаш бўйича синов мулоқотларини ўтказиш, руҳшунослик-педагогик ташхис ва ҳоказолар)ни

ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

Узлуқсиз касбий таълим тизими олий ҳунар билим юртининг бош қондасидир. Таълимнинг ҳар бир йили — бу эгалланган касб-ҳунар ва ўз билим ҳамда иқтидорини халқ ҳўжалигига бахшида этиш мақсадида ишлаб чиқариш сари йўл олиш имконияти демекдир. Ҳар бир йил навбатдаги таълим босқичининг танловида иштирок этишдир. Билим юрти ўз ўқувчилари ва талабаларига янги ахборот технологиялари ва бошқарувини ҳужжатлар билан таъминлаш соҳасида ишчиликдан муҳандисликкача бўлган бир неча мутахассислик малакасини эгаллаш имкониятини яратиб беради. Ҳужжатлар билан таъминлаш учун — диктант. 2-БОСҚИЧ — 15, 16, 17 августда — ҳусусий ЭҲМда мантиқий синов мулоқотлари. 3-БОСҚИЧ — 18, 19, 20, 21 августда — руҳшунослик-педагогик синов мулоқотлари. Маслаҳат машғулоти — 1—10 август кунлари ўтказилади. Билим юртига қабул қилишда саралашнинг барча босқичларида тўпланган рейтинг натижалари асосий мезон ҳисобланади. Ҳужжатлар 10 августгача қабул қилинади. **МАНЗИЛИМИЗ:** 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 45-уй (10 «э», 85 «э», 44, 56, 88-автотуларнинг «Семашко номили илмгоҳ» бекати). Маълумотлар олиш учун телефонлар: 34-24-18, 34-55-73.



ТОШКЕНТ «ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚИЗЛАРНИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

8 ойлик ўқиш мобайнида тўқувчи, текислаш ускуналарининг оператори, йигирувчилар, айлантириш ускуналарининг оператори, тўқимачилик ускуналарининг оператори касбларини эгаллаш мумкин.

Дастлабки икки ойда назарий таълим курси ўтлади. Ана шу даврда ўқувчилар ойнага 580 сўмдан стипендия оладилар. 2 ойдан кейин корхонадаги ишлаб чиқариш таълими курси бошланади. Ҳужжатларнинг 3- ва 4-ойларида 418 сўмдан, қолган даврда эса — ойнага 233 сўмдан стипендия тўланади.

Бутун таълим даврида (дастлабки 2 ойдан ташқари) ўқувчиларга 100 фоиз иш ҳақи тўланади. Ҳужжатларнинг бутун ўқиш давридаги умумий иш ҳақи стипендия билан бирга ойнага 1000 сўмдан 5000 сўмгача пулни ташкил этади.

Ўқишни тугатганлар бевосита комбинатда иш билан таъминланадилар. Асосий касблардаги ишчиларнинг ойлик маоши — 3000 сўмдан 7000 сўмгача.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари билан бир қаторда ўқувчилар ҳам қуйидаги имтиёзлардан фойдаланадилар: Тошкент тўқимачилик комбинати ҳудудидagi дўконлардан озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини сотиб оладилар. «Тўқимачи» спорт мажмуи ва Маданият саройи ҳам улар ихтиёрида бўлади. Ҳужжатларга овқатланиш учун талонлар (кунига 10 сўмдан) берилди.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, А. Қаҳҳор кўчаси, 34, Тошкент «Тўқимачилик комбинати» ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳунар-техника билим юрти.

ТРАНСПОРТ: 2, 57, 80, 97-автотуларнинг «Билим юрти» бекати.

ТЕЛЕФОНЛАР: 55-44-85, 55-44-96.

Тошкент «Тўқимачилик комбинати» ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси. «Сарбон» Ўзбекистон реклама агентлиги.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА КИРИВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА! Шу йил 1 июлдан 15 июлга қадар Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уйда жойлашган республика киривчи (лектор)лар уйида Сизлар учун олий ўқув юртиларнинг математика, физика, химия, биология, ўзбек тили ва адабиёти куллийатларига кириш дастури бўйича 60 соатлик лекциялар туркуми ташкил этилади. Машғулотлар биринчи гуруҳ учун эрталаб соат 8 дан 12 га қадар ўтказилади, иккинчи гуруҳ эса соат 12 дан 16 гача шуғулланади. Лекциялар учун абонемент баҳоси 200 сўм. **МАНЗИЛГОҲИМИЗ:** Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 1, 2, 7, 14, 18, 21-тротлейбус, 65, 100-автотуларнинг «Поликлиника» бекати. Маълумотлар учун телефон: 44-51-30, 44-50-21.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БУЛИМИ

Янги очилган шарқшунослик мактаб-лицейига 7, 8, 9-синфларни аъло ва яхши баҳоларга битирган, шарқ ва инглиз тилларини ўқиган ўғил ва қизларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Лицей фанларини аъло ва яхши баҳоларга ўзлаштирган ўқувчиларнинг битирув имтиҳонлари Тошкент Давлат Шарқшунослик олий билимгоҳининг кириш имтиҳонлари билан тенглаштирилади. Ҳужжатлар 23 июндан бошлаб қабул қилинади. **МАНЗИЛГОҲИМИЗ:** Тошкент шаҳри, Очил Бобожонов кўчаси, 1-ўқувчилик чиқариш комбинати биноси.

ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

10-ҳунар-техника билим юрти 1992—1993 ўқув йилига

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Яқка буюртмалар тикувчи-бичиқчилар, ўқиш муддати — 1—3 йил; кенг ихтисосли сартарошлар, ўқиш муддати — 1 йил; ошпаз-қандолатчилар, ўқиш муддати — 1—3 йил; музлатгичлар тузатиш усталари, ўқиш муддати — 3 йил; кенг ихтисосли сураткашлар, ўқиш муддати — 3 йил; сотувчи-буфетчи, ўқиш муддати — 1 йил;

Билим юртига 9—11 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

9-синф ҳажмида маълумотлилар бепул овқат, кийим-бош, 40—50 сўмлик нафақа билан таъминланадилар.

11-синф ҳажмида маълумотлилар ойнага 388—460 сўм нафақа билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, соғлиги ҳақида маълумотнома, турар жойдан маълумотнома, 3х4 см. ўлчамли 6 дона фотосурат.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов ноҳияси, 1/2 Қорақамиш даҳаси, 20-уй. (42, 43 «э», 56, 93-автотулар; 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати, 7. 10-тротлейбусларнинг охириги «1/4 Қорақамиш» бекати, 82-автотуларнинг «1/4 Қорақамиш» бекати).

«ШАРҚ» НАШРИЕТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

барча турдаги юк ташин аравачалари учун

ШИНАЛАР, РОЛИКЛАР ВА ГИДРАКЛАР резина қоплаш юзасидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Мирзо Уллубек райони, Қурбонов кўчаси, 46-уй «Салом» чойхонаси ёнида.


ТЕЛЕФОНЛАР: 67-83-25, 32-53-47.

«Ўзбекистон» ассоциацияси жамоаси етакчи мутахассиси Г. С. Гараввага онаси

Фотима СОЛИҲОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилди.

Гафур Ғўлом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти жамоаси нашриёт муҳаррири М. Нулдошевга отаси

Раҳмат ҚУДАТОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилди.



Станок бэлансировочный „eldis-1000“

АВТОСЕРВИС УЧУН

КОРХОНА ҚУЙИДАГИ УСКУНАЛАРНИ СОТАДИ

- «ЭЛДИС—1010», «ЭЛДИС—1200» мувозанатлаш дастгоҳлари;
- кўтаргичлар;
- гилдиракларнинг жойлашувини ростловчи стенд;
- шиналарни йиғиш ва ажратиш;
- чироқларни ростлаш;
- электр вулканизатор;
- енгил автомашиналар учун махсус асбоблар тўплами.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 118-уй, 607-хона.

ТЕЛЕФОН: 34-25-81.

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

3-класс трамвай вагонлари ҳайдовчиси (ўқиш муддати — 5 ой);

3-класс тротлейбус машиналари ҳайдовчиси (ўқиш муддати — 6 ой);

трамвай вагонлари ва тротлейбусларнинг ҳаракатдаги состав электр ускуналарини таъмирловчи электрчи-чилангар (ўқиш муддати — 6 ой).

Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшатишган шахслар, шунингдек, 20 ва ундан катта ёшдаги қизлар қабул қилинадилар.

Ўқишга қабул қилинганларга ойнага 379 сўм миқдориди стипендия. Ўқувчиларни ташин машиналарида ва трамвай вагонларида малака синовини ўтатиш пайтида ўқувчиларга стипендия ва 3-класс ҳайдовчиси машинанинг 90 фоизи берилди, бу эса ойнага 579—708 сўм демандир.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади ва улар шаҳарга қайт қилинадилар ҳамда Тошкент шаҳридаги трамвай ва тротлейбусларда бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Машғулотлар — ҳар ойнаги 5, 10, 15, 20, 25 кунларда бошланади.

Билим юрти қошида «В» тоифасидаги автотранспорт воститаларининг ҳайдовчиларини тайёрлаш курслари ишлаб турибди.

Ўқиш муддати — 3,5 ой. Машғулотлар ўқув гуруҳларининг тўлишига қараб бошланади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Куйбисhev райони, Темур Малик кўчаси, 3 «а» уй (17 «э», 83, 112-автотулар; 6, 22, 13-трамвайлар; 9, 18-тротлейбусларнинг «Красновосточное» депоси» бекати).

Телефон: 63-68-93.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва ишанбадан ташқари ҳар кунни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 32-79-70, 32-73-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалаларини бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун жавобгарлиги уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000, ГСП, Тошкент, «Прованс» рўзномаси кўчаси, 41.